D-1

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Табиатни муҳофаза қилиш**
**давлат қўмитаси раиси**

**____________ Б.Ҳ.Абдусаматов**
(имзо, муҳр)

**2016 йил 8 февраль**

**«КЕЛИШИЛГАН»**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Адлия вазири**

**____________ М.М.Икрамов**
(имзо, муҳр)

**2016 йил 8 февраль**

**«КЕЛИШИЛГАН»**
**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири**

**____________ Х.М.Мирзоҳидов**
(имзо, муҳр)

**2016 йил 8 февраль**

**«КЕЛИШИЛГАН»**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси**

**____________ А.Э.Шайхов**
(имзо, муҳр)

**2016 йил 2 февраль**

**Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари фақатгина ягона марказлар орқали кўрсатиладиган**

# ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ПАСПОРТИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Давлат хизматининг номи | **Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш** |
| 2. | Давлат хизмати кўрсатадиган давлат органи ва бошқа ташкилотнинг номи (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) | **Тўлиқ номи:**<br>1) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;<br>2) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари.<br>Қисқартирилган номи:<br>1) Ўзбекистон Республикаси Давтабиатқўм;<br>2) Қорақалпоғистон Республикаси Давтабиатқўм;<br>3) Вилтабиатқўм;<br>4) Тошшаҳартабиатқўм. |
| 3. | Давлат хизматидан фойдаланувчилар | ☑ юридик шахслар;<br>☑ жисмоний шахслар - юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги тадбиркорлик субъектлари. |
| 4. | Давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишда қатнашадиган ва/ёки давлат хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларга эга бўлган органлар ва ташкилотларнинг муфассал рўйхати | **Давлат хизмати кўрсатиш жараёнида қатнашадилар:**<br>1) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари;<br>2) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг туман ДСЭНМлари;<br>Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг:<br>3) “Оролбўйи ГГЭ (гидрогеология экспедицияси)” ДК (ҚҚР ва Хоразм вилояти);<br>4) “Ғарбий Ўзбекистон ГГЭ” ДК (Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятлари);<br>5) “Фарғона ГГЭ” ДК (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари);<br>6) “Гидроминерал ресурслар геологияси” ИИЧМ ДК ва “Гидроингео” ДК институти (Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри);<br>7) «Саноатгеоконтехназорат» ДИ нинг Кўмир, тоғ-кон ваноруда саноати назорати, геология-маркшейдерлик назорати бўйича тармоқ инспекцияси;<br>8) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг |

| | | |
|---|---|---|
| | | Курортлар бошқармаси;<br>9) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги;<br>10) Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи ягона марказлар.<br>***Эслатма:*** *Ваколатли орган зикр этилган орган ва ташкилотлар билан мустақил равишда, аризачини жалб этмаган ҳолда, биргаликда ҳаракат қилади.* |
| 5. | Давлат хизматини олиш учун аризачи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўла-тўкис рўйхати ва сони | **Давлат хизмати олиш учун аризачи қуйидагиларни тақдим этади:**<br>**а) янги рухсатномани олишда, рухсатноманинг амал қилиш муддати ўтганда, сув олиш манбалари ва мақсадлар ўзгарганда, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгарганда:**<br>1) сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома (табиий сув объектларидан) бериш тўғрисидаги ариза мазкур паспортга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>2) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси (табиий сув объектларидан) мазкур паспортга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича – *сув объектларидан саноат, коммунал, транспорт ва бошқаноқишлоқ хўжалик мақсадарида фойдаланувчи, шунингдек шифобахш сувлар тоифасига оид бўлган сувлардан: а) бошқа сув манбалари бўлмаганда, зарурат бўлганда, ичимлик сув таъминоти учун, б) ноёб компонентларни ажратиб олиш учун фойдаланиладиган, жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этилади;*<br>☑ асл нусха: 3 (уч нусхада) – *барча ҳолларда;*<br>☑ асл нусха: 4 (тўрт нусхада) – *сув ер ости манбаларидан олинганда;*<br>3) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси (табиий сув объектларидан) мазкур паспортга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича – *фермер, деҳқон хўжаликлари томонидан тақдим этилади;*<br>☑ асл нусха: 3 (уч нусхада) – *барча ҳолларда;*<br>☑ асл нусха: 4 (тўрт нусхада) – *сув ер ости манбаларидан олинганда;*<br>4) Хўжалик фаолияти (ишлаб чиқариш мақсади, қуввати, технологик цикл ва бошқалар), сув муҳофазаси ҳолати, оқова сувларни чиқариб ташланиши, оқова сув тозалаш иншоотларининг таркиби ва ишлаши, оқова сувларни қабул қилгичнинг тавсифлари, ишлаётганларнинг ҳамда йилдаги иш кунлари сони, аҳоли пунктидагиларнинг сони (аҳоли пункти сув билан таъминланганда), суғориладиган ерлар майдонлари, қишлоқ хўжалик экинларининг турлари ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар мазкур паспортга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>5) Лойиҳа-смета ҳужжатининг сувдан махсус фойдаланиш ёки сув истеъмолига тегишли асосий қоидаларидан кўчирма мазкур паспортга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>6) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни истеъмолининг мақсади тўғрисидаги батафсил маълумот мазкур паспортга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>7) Сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси, сув объектлари фаолият кўрсатиш, шу жумладан сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли манбалари (сув олиш ва оқова сувларни ташлаш нуқталари) ҳудудлари жойлашган жойи кўрсатилган картографик материаллар мазкур паспортга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича - *сув объектларидан саноат, коммунал, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадарида фойдаланувчи, сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома олиш учун юридик шахслар томонидан тақдим этилади;*<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>8) Сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси, сув объектлари фаолият кўрсатиш, шу жумладан сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли манбалари (сув олиш ва оқова сувларни ташлаш нуқталари) ҳудудлари жойлашган жойи кўрсатилган картографик материаллар мазкур паспортга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича - *сув объектларидан саноат, коммунал, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадарида фойдаланувчи, сувдан махсус* |

| | | |
|---|---|---|
| | | *фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома олиш учун жисмоний шахслар томонидан тақдим этилади;*<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>9) Фойдаланиладиган сув объектларининг, сув олиш иншоотларининг қуввати ва техника билан жиҳозланганлиги (насос агрегатлари ва ёрдамчи иншоотлар, суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқлари, ичимлик ва техник мақсадларга мўлжалланган қудуқлар ва улардаги иншоотлар) ва сувни тозалаш ва тайёрлаш станциялари (ичимлик, техник, канализацияга оид), рўйхатга олинган сув айирмалари нуқталари ва бошқалар кўрсатилган ҳолдаги рўйхати мазкур паспортга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>10) Сув айириш тармоқлари рўйхати ҳамда сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланганлиги ҳолати тўғрисидаги ахборот мазкур паспортга 10-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>11) Манбалар (ер усти, ер ости, шаҳар сув қувурлари, шаҳар канализацияси, жойнинг рельефи ва бошқалар) бўйича сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли, оқова сувларни оқизиб юборишнинг лойиҳадаги ёки норматив-ҳисобланган режаси мазкур паспортга 11-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>12) Сув объектлари ёки жой рельефига оқова сувлар ташланадиган манба ва ташлама сув ресурсларининг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар мазкур паспортга 12-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>13) Тозалаш иншоотлари иши устидан лаборатория назоратини ҳамда оқова сувлар билан бирга оқизиб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни ҳисобга олишнинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги маълумот мазкур паспортга 13-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>14) Ерлар кадастри тўғрисидаги маълумотлар мазкур паспортга 14-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>15) Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқлар ёнидаги полосалар, шунингдек санитария муҳофазаси зоналари тўғрисидаги маълумотлар, уларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш шартлари бўйича аниқ тадбирлар мазкур паспортга 15-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>16) Балиқларни муҳофаза қилиш иншоотларининг мавжудлиги ва уларнинг конструкциялари тўғрисидаги маълумотлар (балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларида) мазкур паспортга 16-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>17) Сувларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича мўлжалланган тадбирлар тўғрисидаги маълумот мазкур паспортга 17-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>18) Сув таъминоти ҳамда оқова ва жала сувларини канализациялаш схемаси мазкур паспортга 18-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>19) Давлат экологик экспертизаси органларининг экологик оқибатлар тўғрисидаги аризага (ЭОА) хулосаси мазкур паспортга 19-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>20) Оқова сувлар сув объектлари ёки жой рельефига чиқариб ташланадиган бўлса, ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий ташламалар (ЙҚЧТ)нинг экологик меъёрлари лойиҳасига Давлат экологик экспертизаси органларининг хулосаси мазкур паспортга 20-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>**б) рухсатномани қайта расмийлаштиришда:**<br>1) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун (табиий сув объектларидан) рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза мазкур паспортга 21-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>2) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун (табиий сув объектларидан) рухсатнома мазкур паспортга 2, 3-иловаларга |

| | | |
|---|---|---|
| | | мувофиқ шакллар бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>**в) рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтирилишида:**<br>1) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун (табиий сув объектларидан) рухсатномани амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза мазкур паспортга 22-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>2) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун (табиий сув объектларидан) рухсатнома мазкур паспортга 2, 3-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>3) сув манбаи ва унинг мақсадида, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартларида бирон-бир ўзгариш бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотни тасдиқлаш тўғрисидаги қўшимча маълумотлар мазкур паспортга 23-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха). |
| 6. | Давлат хизмати кўрсатиш учун зарур бўлган, ваколатли орган томонидан аризачининг иштирокисиз мустақил равишда олинадиган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўла-тўкис рўйхати ва сони | **Давлат хизматини кўрсатиш учун ваколатли орган қуйидагиларни мустақил равишда олади:**<br>**а) янги рухсатномани олишда, рухсатноманинг амал қилиш муддати ўтганда, сув олиш манбаи ва мақсадлари, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгарганда:**<br>1) Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома мазкур паспортга 24-иловага мувофиқ шакл бўйича – *тадбиркорлик субъекти – юридик шахс учун;*<br>☑ нусха: 1 (бир нусха).<br>2) Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома мазкур паспортга 25, 26 27-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича *– тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс учун;*<br>☑ нусха: 1 (бир нусха).<br>3) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси (табиий сув объектларидан олинганда) келишилганлиги тўғрисидаги – “Келишилди” ва тегишли қишлоқ ва сув хўжалиги органи номи, орган раҳбарининг Ф.И.О., унинг имзоси, муҳри ва имзоланган санаси кўринишидаги ёзувли қайднома - *ер усти сувларидан фойдаланилганда;*<br>☑ асл нусха: 3 (уч нусхада) *– барча ҳолларда;*<br>☑ асл нусха: 4 (тўрт нусхада) *– сув ер ости манбаларидан олинганда;*<br>4) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси (табиий сув объектларидан олинганда) келишилганлиги тўғрисидаги – “Келишилди” ва тегишли геология ва минерал ресурслар органи номи, орган раҳбарининг Ф.И.О., унинг имзоси, муҳри ва имзоланган санаси кўринишидаги ёзувли қайднома - *ер ости сувларидан фойдаланилганда;*<br>☑ асл нусха: 3 (уч нусхада) *– барча ҳолларда;*<br>☑ асл нусха: 4 (тўрт нусхада) *– сув ер ости манбаларидан олинганда;*<br>5) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси (табиий сув объектларидан олинганда) келишилганлиги тўғрисидаги – “Келишилди” ва тегишли ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органи номи, орган раҳбарининг Ф.И.О., унинг имзоси, мухри ва имзоланган санаси кўринишидаги ёзувли қайднома *– минерал ва термал сувларидан фойдаланилганда;*<br>☑ асл нусха: 3 (уч нусхада) *– барча ҳолларда;*<br>☑ асл нусха: 4 (тўрт нусхада) *– сув ер ости манбаларидан олинганда;*<br>6) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси (табиий сув объектларидан олинганда) келишилганлиги тўғрисидаги – “Келишилди” ва тегишли давлат санитария назорати органи номи, орган раҳбарининг Ф.И.О., унинг имзоси, муҳри ва имзоланган санаси кўринишидаги ёзувли қайднома - *Ичиш, коммунал-маиший, даволаш, курорт, рекреацион, балиқчилик хўжалиги ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, сув таъминоти манбаларидан қатъи назар, сув олинганда, шунингдек оқова сувлар сув объектларига ва жой рельефига оқизиб юборилганда;*<br>☑ асл нусха: 3 (уч нусхада) *– барча ҳолларда;* |

| | | |
|---|---|---|
| | | ☑асл нусха: 4 (тўрт нусхада) – *сув ер ости манбаларидан олинганда;*<br>7) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси (табиий сув объектларидан олинганда) келишилганлиги тўғрисидаги – “Келишилди” ва тегишли 1) ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш, 2) соғлиқни сақлаш, 3) курортлар бошқармалари органлари номлари, органлар раҳбарларининг Ф.И.О., уларнинг имзолари, муҳрлари ва имзоланган саналари кўринишидаги ёзувли қайднома – *шифобахш тоифасига мансуб бўлган сув объектларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда;*<br>☑ асл нусха: 3 (уч нусхада) – *барча ҳолларда;*<br>☑ асл нусха: 4 (тўрт нусхада) – *сув ер ости манбаларидан олинганда;*<br>8) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳаси (табиий сув объектларидан) келишилганлиги тўғрисидаги – “Келишилди” ва тегишли 1) қишлоқ ва сув хўжалиги, 2) геология ва минерал ресурслар, 3) ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш, 4) давлат санитария назорати, 5) курортлар бошқармалари органларининг номлари, органлар раҳбарларининг Ф.И.О., уларнинг имзолари, муҳрлари ва имзоланган саналари кўринишидаги ёзувли қайднома – *алоҳида сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун, уларни сувдан фойдаланишлари ва сув истеъмолларининг ўзи хослигини ҳисобга олган ҳолда, истисно ҳолларда;*<br>☑ асл нусха: 3 (уч нусхада) – *барча ҳолларда;*<br>☑ асл нусха: 4 (тўрт нусхада) – *сув ер ости манбаларидан олинганда;*<br>9) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома лойиҳасини (табиий сув объектларидан) келишишда асосли рад жавоблари мазкур паспортга 28, 29, 30, 31, 32-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича - *1) қишлоқ ва сув хўжалиги, 2) геология ва минерал ресурслар, 3) ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш, 4) давлат санитария назорати, 5) курортлар бошқармалари органларининг келишувига кўра.*<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>**б) рухсатнома қайта расмийлаштирилганда:**<br>10) Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома мазкур паспортга 24-иловага мувофиқ шакл бўйича – *тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун у қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, сув олиш манбаи ва мақсадлари, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгармаган тақдирда;*<br>☑ нусха: 1 (бир нусха).<br>11) Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома мазкур паспортга 25, 26 27-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича – *тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс учун унинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда, сув манбаи ва мақсади, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгармаганда;*<br>☑ нусха: 1 (бир нусха).<br>12) Юридик шахс – тадбиркорлик субъектининг жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганлигини тасдиқловчи тегишли рўйхатга олувчи органнинг хати – *тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар учун у қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, сув олиш манбаи ва мақсадлари, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгармаган тақдирда;*<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>**в) рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтирилганда:**<br>13) рухсатномани берган масъул шахснинг хулосаси - мазкур паспортга 33-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>14) Сув манбаи ва уни олиш мақсади, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартларида бирон-бир ўзгариш бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотни тасдиқловчи хулоса мазкур паспортга 34, 35, 36, 37, 38-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича - *1) қишлоқ ва сув хўжалиги, 2) геология ва минерал ресурслар, 3) ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб* |

| | | |
|---|---|---|
| | | *борилишини назорат қилиш, 4) давлат санитария назорати, 5) курортлар бошқармалари органларининг келишувига кўра хулоса;*<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>***Эслатма:*** *Ваколатли орган зикр этилган ҳужжатларни ушбу Паспортнинг 4-бандида кўрсатилган орган ва идоралардан мустақил равишда, аризачини жалб этмаган ҳолда олади.* |
| 7. | Давлат хизматини кўрсатиш шакли | **Давлат хизматини кўрсатишда АКТни қўлланилиши:**<br>☑ давлат хизматини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни Интернет орқали олиш.<br>Интернет тармоғидаги манзил: http:// uznature.uz/sites/default/files/imce/171.pdf.<br>☑ зарур ҳужжатлар шакллари ва бланкаларини Интернет орқали олиш.<br>Интернет тармоғидаги манзил: http:// uznature.uz/ru/node/2184. |
| 8. | Давлат хизматининг нархи ва уни тўлаш тартиби | **Давлат хизматини кўрсатиш учун:**<br>□ тўлов ундирилмайди; |
| 9. | Давлат хизматини кўрсатиш муддатлари | **Давлат хизматлари кўрсатишнинг чекланган муддатлари:**<br>а) янгидан берилган аризани кўриб чиқишда **20 иш куни**;<br>б) сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатномани (табиий сув объектларидан) бериш бўйича илгари берилган рад жавоби сабаблари бартараф этилгандан кейин тақдим этилган такрорий аризани кўриб чиқишда **10 иш куни;**<br>в) аввал берилган сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун (табиий сув объектларидан) рухсатномани амал қилиш муддатини узайтиришда **- 15 иш куни**.<br>г) сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома (табиий сув объектларидан) қайта расмийлаштирилганда - **5 иш куни**.<br>***Эслатма:*** *ҳозирги вақтда аввал берилган сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатноманинг (табиий сув объектларидан) амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги аризани кўриб чиқишнинг чегаравий муддатлари қонунчилик билан белгиланмаган. Мазкур паспортнинг 9-банди “в” бандостида кўрсатилган муддат тавсиявийдир.* |
| 10. | Давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича бериладиган ҳужжатлар номи | **Аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича аризачига қуйидагилар берилади:**<br>**а) ижобий ҳал этилганда**:<br>**1) янги рухсатнома олинган, рухсатномани амал қилиш муддати тугаганда, сув олиш манбаи ва мақсадлари, шунингдек сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг бошқа шартлари ўзгарган ҳолларда:**<br>1) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома (табиий сув объектларидан) мазкур паспортга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>2) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома (табиий сув объектларидан) ва унга илова мазкур паспортга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича – *фермер ва деҳқон хўжаликлари учун*;<br>☑асл нусха: 1 (бир нусха).<br>**2) Рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтириш ҳолида:**<br>1) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома (табиий сув объектларидан) узайтирилганлиги тўғрисидаги “Амал қилиш муддати ..........гача узайтирилди” ёзув кўринишидаги, рухсатномани амал қилиш муддати узайтирилган сана, узайтириш куни санаси, Ф.И.О., рухсатномани узайтирган шахснинг лавозими, имзоси, муҳри кўрсатилган қайднома – *рухсатномани амал қилиш муддати узайтрилганда.*<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>**3) рухсатнома қайта расмийлаштирилганда:**<br>1) Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома (табиий сув объектларидан) мазкур паспортга 2, 3-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>**4) рухсатнома бузилган ёки йўқотилган ҳолда:**<br>Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома (табиий сув объектларидан) йўқотилганда ёки бузилганда, унинг дубликати (асли билан тенг ҳуқуқли нусхаси) берилмайди. |

<table>
<tr>
<td></td>
<td></td>
<td>б) давлат хизматини кўрсатиш рад этилганда:<br>Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатномани (табиий сув объектларидан) берилишида асосланган рад жавоби мазкур паспортга 39-иловага мувофиқ шакл бўйича;<br>☑ асл нусха: 1 (бир нусха).<br>Эслатма: Ариза олингандан сўнг, аризачига қуйидаги ҳужжатлардан бири берилади:<br>1) ариза олинганлиги тўғрисида, қайд қилиш ноёб рақами кўрсатилган ҳолдаги тилхат мазкур паспортга 40, 41, 42-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича;<br>2) тегишли аризанинг нусхаси мазкур паспортга 1, 21, 22-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича, ариза қабул қилинганлиги ҳақидаги, ноёб қайд қилиш рақами кўрсатилган ҳолдаги ёзув билан.</td>
</tr>
<tr>
<td>11.</td>
<td>Давлат хизмати регламенти</td>
<td>Давлат хизмати кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати:
<table>
<tr><th>Т/р</th><th>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи</th><th>Санаси</th><th>Рақами</th></tr>
<tr><td>1.</td><td>“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни</td><td>06.05.1993й.</td><td>837-XII</td></tr>
<tr><td>2.</td><td>“Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори</td><td>14.06.2013й.</td><td>171</td></tr>
</table></td>
</tr>
<tr>
<td>12.</td>
<td>Ваколатли органнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисида аризачининг мурожаатлари(таклиф, шикоятлари)ни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган юқори ёки бошқа органнинг номи</td>
<td>Аризачининг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган юқори турувчи ёки бошқа орган:
<table>
<tr><th>Т/р</th><th>Номи</th><th>Боғланиш телефони</th><th>Жойлашган жойи (почта, электрон манзили)</th></tr>
<tr><td>1.</td><td>Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси</td><td>(0-371) 236-02-15</td><td>100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Тўйтепа кўчаси, 2А-уй<br>info@uznature.uz<br>ersuv@uznature.uz</td></tr>
</table></td>
</tr>
</table>